

СЕКЦИЯ №4. МЕТАДАННЫЕ КАК ОСНОВА ДЛЯ СОЗДАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА: БЕКМУРОТОВСКИЕ ЧТЕНИЯ

ФАНГА БАХШИДА ҲАЁТ

Бабомуродов Озод Жураевич

т.ф.д., проф. Жиззах шаҳридаги Қозон (Волгабўйи) федерал
университети филиали ижрочи директори

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида қайсиdir йўналишда қандайдир даражада из қолдиради. Баъзилар билинار-билинмас из қолдирса, айрим катта ҳарфлар билан ёзилувчи инсонлар ҳаётда шундай из қолдирадики, ундан нафақат ушбу инсонни ёдлаш, балки, бир неча авлод ёшлари учун ўrnak машъали ва тимсоли бўлиб қолади.

Шундай инсонлар сирасига ҳеч иккilanmasdan Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, техника фанлари доктори, профессор, атоқли ўзбек олим Бекмуратов Тўлқин Файзиевични киритиш ўринли. Атоқли ўзбек олимни ҳаёт йўли бошланиши 1935 йил 18 апрелида Тошкент шаҳрида дунёга келиб, Қашқадарё воҳаси Қарши шаҳрида вояга етади. 1952 йил Қарши шаҳридаги 1-сонли мактабни олтин медал билан тамомлаб, Москва энергетика институтига ўқишига киради. Мазкур олий таълим муассасасини қизил дипломга тамомлаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси математика институти ҳисоблаш марказида муҳандис лавозимида иш бошлайди. Ўзининг тиришқоқлиги билан ажralиб турган Тўлқин Файзиевич 1962-1965 - йилларда Украина Фанлар Академияси кибернетика институти аспиранти сифатида бириктирилади ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида Украина Фанлар академияси В.М.Глушков номидаги кибернетика институти дунё миқиёсидаги илмий кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар ўtkазиш марказига айланиб ултурган вақтлари эди. Айниқса собиқ иттифоқ давлатида электрон ҳисоблаш тизимлари бўйича етакчи мактаблардан саналарди. Мазкур илмий марказ Республикамиз учун ҳам қимматли бўлган бир қатор илмий намоёндаларни етказиб берган. Илмий марказ вакилларидан, электрон ҳисоблаш машиналари пионерларидан бири бўлган Украина миллий Фанлар Академияси муҳбир аъзоси Борис Николаевич Малиновский раҳбарлигига 1967 йил гибрид тизимларни моделлаштириш мавзуси доирасида фан номзодлигини муваффақиятли ҳимоя қилиб, Тошкентга қайтади ва Ўзбекистон Фанлар Академияси кибернетика институтида гибрид ҳисоблаш тизимларини моделлаштириш илмий лабораториясини ташкил этади. Ташкил этилган лаборатория асосий илмий йўналиши “Гибрид” деб ном олган янги синф аналог-рақамли ва рақамли-аналог ўзgartirгичларни синтез ва тадқиқ қилиш назарий ва амалий тадқиқотларни амалга ошира бошлади. Бу тадқиқотларга асос бўлиб, Т.Ф.Бекмуратовнинг Украина Фанлар Академиясида олган натижалари бўлган. Ушбу тадқиқотлар натижалари “Днепр” ҳисоблаш машинаси тизимида гибрид моделлаштирилувчи ҳисоблаш тизимларининг иккинчи версияси сифатида жорийлаштирилди. Ўзбекистон кимёвий ва биокимё корхоналари учун ахборот-моделлаштирувчи тизим яратилди, ушбу натижалар асосида Т.Ф.Бекмуратов докторлик диссертациясини ўзбек кибернетикаси асосчиси бўлган академик Қобулов Восил Қобулович раҳбарлигига шакллантирди ва 1975 йил Украина Фанлар Академияси электродинамика институтида муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Тошкентдаги ЎзФА кибернетика институтида Т.Ф.Бекмуратов бошчилигига олиб борилган тадқиқотлар натижалари сирасида БЭСМ-б

ЭҲМ микроконвейр туташтирувчи аппарат-дастурйи воситаси ишлаб чиқилди ва ҳатто Украина Фанлар Академияси кибернетика институтидаги қабул қилувчи ҳайъат эътирофига сазавор бўлди. Бу Т.Ф.Бекмуратовнинг таклиф қилган ёндашувининг қанчалик тўғрилиги ва замон билан хамоҳанг эканлигини англатади.

1980-1990 - йилларда Собиқ Иттифоқ Фанлар Академияси ҳисоблаш тармоғини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилган. Мазкур лойиҳада Марказий Осиё тармоғини яратиш ишида Т.Ф.Бекмуратов фаол иштирок этди. Бу тармоқ ўта ноёб тармоқ бўлиб, ўша даврдаги геосиёсий ҳолат, яъни Собиқ Иттифоқни тарқалиши билан якунига етказилмай қолинди. Бундай катта ҳажмли илмий багаж Т.Ф.Бекмуратовни Ўзбекистон фан оламида катта ишларни амалга оширишига замин бўлди.

Амалга оширган илмий ишлари Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан эътирофларга сабаб бўлди. Бунга унинг 1989 - йил Фанлар Академияси муҳбир аъзолигига сайланиши ҳамда 2000 - йил Фанлар Академияси ҳақиқий аъзоси бўлиш шарафига сазовор бўлиши асос бўла олади. Бу оралиқда Т.Ф.Бекмуратов бошчилигига долзарб соҳалардан бири бўлган эксперт тизимлари йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилди. 90-йилларда унинг бошчилигига лабораторияда электрокабельлар ишлаб чиқиши, темирийўл йўналтиргичларини ҳамда газтақсимлаш корхоналари автоматлаштирилган бошқарув тизимлари учун қарор қабул қилишга кўмаклашувчи эксперт тизимлари ишлаб чиқилди.

1992 - йилдан Т.Ф.Бекмуратов ҳаётида муҳим бурилиш нукталаридан бири бўлди: Ҳукумат топшириғи асосида уни Қарши давлат университети ректорлигига тайнинлашди. 1992-1997-йиллар мазкур олий таълим муассасасини бошқариш билан бирга кибернетика институти илмий ҳаётида ҳам иштирогини қўришимиз мумкин. 1998 - йил бошидан Т.Ф.Бекмуратов Ўзбекистон Фанлар Академияси Президиумида иш бошлади. 2000 - йилдан яна ўзининг қадрдон кибернетика институтига қайтиб, ўз лабораториясига раҳбарлигини давом эттира бошлади. Ушбу сана олимнинг Фан оламидаги қайта туғилиши билан тенглаштириш мумкин. Шу даврдан бошлаб у ўзининг издошлари ҳамда шогирдлари билан биргаликда янги фан чўққиларини забт этишни бошлади. Бу даврга келиб унинг фан оламидаги қамрови кенгайиб, илмий муаммолар уфқлари эксперт тизимларидан тортиб, аппарат-дастурйи бошқарув тизимлари ҳамда сунъий интеллект усусларини қамраб олди.

Менинг илм соҳасига кириб келишим ҳам айнан мана шу даврдан бошланган. Ёш, ғўр бир “тоғлик” йигитни аста-секинлик, аммо шиддат билан фан оламига олиб кирган. Бизнинг қарашларимиз, ўқитиши жараёни автоматлаштириш, билимлар базасини шакллантириш муаммоларини қамраб олган. Устозимнинг устамонлиги мендек ғўр шогирдни қисқа муддатда пишиши учун қўллаган либерал усусларида деб биламан.

Кейинчалик бизнинг шуғулланган муаммовий доирамиз кенгайиб (бу докторлик диссертацияси тадқиқотларида), норавshan тўпламлар назарияси йўналишини ҳам қамраб олди. Бу йўналишда устоз бош, профессор Д.Муҳаммадиева ёнбош, бизлар эса жондош бўлиб, етарли даражада эътиборга молик натижаларга эришдик.

Академик Т.Ф.Бекмуратов билан шунчаки бир пиёла чой устида сухбатлашсак ҳам гапимизнинг бир учи фан муаммоларида бўлар эди. Ҳаттоки, бир ҳолат эсимда: мен турмуш ўртоғим билан қайсиdir байрамда домланинг уйларига меҳмондорчиликка борганимизда, салом-алиқдан сўнг гапимиз илмий муаммоларимиз доирасига тушиб қолганда, кеннойим доцент Даҳабаева Раъно Акрамовна: “Уларга эътибор берманг келин, улар ўзи бир бирини кўрди дегунча ўзларининг дунёсига шўнғиб кетишади” деганларини эслайман. Бу ҳақиқатдан тўғри “тариф” бўлиб, устоз билан соатлаб илмий муаммолар устида баҳслашишимиз мумкин эди.

Т.Ф.Бекмуратовнинг оиласи ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган оила бўлиб, доимо хушкайфиятлилик ҳукмрон бўлган меҳр ўчиғи бўлган. Ушбу меҳр ўчиғида икки нафар фарзанд Зарина ҳамда Нигина вояга етган. Фарзандлар ота-онага лойиқ инсонлар сифатида камол топишган. Устоз ҳамиша фарзандлар ва набиралар ардоғида бўлган.

Устозим академик Бекмуратов Тўлқин Файзиевич тўғрисида айтиладиган илиқ фикрлар бир нечта томли китоб ҳажмида бўлиши, унинг босиб ўтган ибратли йўли минглаб инсонлар учун ўrnak бўлиши мумкин. Кўпгина ҳурматли ҳамкаслар ва таниш инсонлар унинг босиб ўтган умр йўлидаги хоҳ илмий бўлсин, хоҳ ҳаётий йўли бўлсин, барчаси эътирофга лойиқ деб ҳисоблашади.

Устоз академик Бекмуратов Тўлқин Файзиевич рухлари олдида бошим эгаман.

Адабиётлар рўйхати

1. Бекмуратов Т.Ф. Избранные работы по вычислительной технике, моделированию, принятию решений и управлению. – Т.2015.-234c.
2. Малиновский Б.Н. Нет ничего дороже... – К.:ЧП Горобец, 2005.-с.260-264.

ВАҚТЛИ ҚАТОРЛАРНИ БАШОРАТЛАШНИНГ УМУМИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Бабомурадов Озод Жураевич

т.ф.д.(DS), проф. Жиззах шаҳридаги Қозон федерал универсиитети филиали.

bobomuradov@gmail.com

Хайдаров Озоджон Асламкулович

Малака ошириш йўналиши раҳбари (PhD), Creative Associates International

Ўзбекистондаги ваколатхонаси

haydarov@gmail.com

Аннотация: Вақтли қаторларни башоратлашда энг мураккаб масалалардан бири оптималь алгоритмни танлаш ҳисобланади. Бу масалага ечим сифатида мета ўқитиш усуллари кенг кўламда тадқиқ этилмоқда. Ушбу мақолада вақтли қаторларни таҳлил қилиш ва башоратлаш учун турли мета ўқитиш ва чукур ўқитиш усуллари билан тажрибалар олиб борилган. Мета ўқитиш орқали турли алгоритмлар ансамблини кўллаш башорат самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Вақтли қаторларни башоратлашда чукур ўқитиш моделлари ҳам, масалан, LSTM ва CNN, юқори самарадорликни таъминлайди. Мета ўқитиш ва чукур ўқитиш усуллари бирлаштирилиши, ҳар бир алгоритмнинг имкониятларини оптималлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Вақтли қаторларни башоратлаш, Мета ўқитиш, Ансамбл усуллари, Тасодифий ўрмон, Қарор дараҳти, Кўп қатламли перцептрон, Гирид моделлар, Белгиларни танлаш, Байес регрессияси, Эволюцион алгоритмлар, SVM, KNN, GB, GRU, ARIMA, SARIMA, LSTM, SAE, PCA.

ОБЩИЕ ПОДХОДЫ К ПРОГНОЗИРОВАНИЮ ВРЕМЕННЫХ РЯДОВ

Аннотация: Одной из самых сложных задач при прогнозировании временных рядов является выбор оптимального алгоритма. В качестве решения данной проблемы активно исследуются методы мета-обучения. В данной статье проведены эксперименты с различными методами мета-обучения и глубокого обучения для анализа и прогнозирования временных рядов. Применение ансамблей различных алгоритмов через мета-обучение помогает повысить точность прогнозов. Модели глубокого обучения, такие как LSTM и